

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил ноябрь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья В.Караманов раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Салимовнинг котиблигида, тарафлардан Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, жабрланувчи З.Инагамджанова, Ф.Ишанходжаева, И.Караходжаев, С.Рустамов, фуқаровий даъвогар Т.Абдумаликов, Э.Хамдамов ва О.Алимов, судланувчи М.Хамдамов ва унинг ҳимоячиси адвокат О.Зупаровнинг иштирокида, Хамдамов Муроджон Элбобо ўғлига нисбатан 1-1003-2301/279-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хамдамов Муроджон Элбобо ўғли, 1999 йил 30 октябрда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ишламайди, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, “Санам” маҳалла фуқаролар йиғини, Шодиёна кўчаси, 26-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 28 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

М.Хамдамов, 2022 йил 15 ноябрь куни соат 11:20 ларда, бошқарувидаги давлат рақами 70P8500A бўлган “NEXIA-2” русумли автомашинада, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги, Себзор кўчасида жойлашган ер ости йўли бўйлаб, А.Навоий кўчаси томондан, А.Қодирий кўчаси томонга бошқариб бориб, ер ости йўлидан чиққан вақтида, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, 53-банди ва 77-банди 1-3 қисми яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак”, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак” ва “Ҳаркатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни



таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”-деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, ҳаракат йўналишини чап томонга ўзгартираётган вақтида, унинг орқа томонидан Абдумаликов Тохиржон бошқарувидаги давлат рақами 01S289WB бўлган “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинада келиб урилиши натижасида, М.Ҳамдамов рўл бошқарувини йўқотиб, йўлнинг чапки четидан ҳаракатланиб кетаётган Ишанходжаева Фариза бошқарувидаги давлат рақами 01S300AA бўлган “EQUINOX” русумли автомашинага бориб урилган, Т.Абдумаликов эса йўлнинг ўнг томон четки қисмидан ҳаракатланиб кетаётган Караходжаев Исмоилходжа бошқарувидаги давлат рақами 01B761WA бўлган “LABO” русумли автомашинага тўқнашган, М.Ҳамдамов йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, натижада “EQUINOX” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётган З.Инагамджановага соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабабчи бўлган ўртача оғир шикаст, “LABO” русумли автомашина ҳайдовчиси И.Караходжаевга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган энгил тан жароҳати етказилишига ҳамда Ф.Ишанходжаевага тегишли давлат рақами 01S300AA бўлган “EQUINOX” русумли автомашинага 191.889.448 сўм, И.Караходжаевга тегишли давлат рақами 01B761WA бўлган “LABO” русумли автомашинага 21.035.130 сўм, Т.Абдумаликовга тегишли давлат рақами 01S289WB бўлган “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинага 126.713.240 сўм, бошқарувидаги Э.Ҳамдамовга тегишли давлат рақами 70P8500A бўлган “NEXIA-2” русумли автомашинага 14.443.740 сўм ва “Тошшаҳарнур” Давлат унитар корхонасига тегишли симёғоч (столба)га 36.084.100 сўм моддий зарар етказган.

Судланувчи М.Ҳамдамов судда, айбига иқрор эмаслигини билдириб, 2022 йил 15 ноябрь куни соат 11:20ларда бошқарувидаги отасига тегишли давлат рақам белгиси 70P8500A бўлган “NEXIA-2” русумли автомашинасида Шайхонтохур тумани Себзор кўчаси бўйлаб, Халқлар дўстлиги кўчаси томонидан Нурафшон кўчаси томонига қатнов қисмининг ўнг четки бўлагидан тахминан 65-70 тезликда ҳаракатланиб келиб, ер ости йўлидан чиқаётганлигини, шунда унинг йўлагига тахминан 15-20 метр масофа олдинда, энгил автомашина секинроқ ҳаракатланиб кетаётганлиги сабабли ҳаракат йўналишини чап томонга ўзгартиришдан олдин чап ён орқани кўрсатувчи ойнага қараганида, узоқдан автомашина йўқлигини кўрганлигини, сўнг чап ён томонидаги қатнов бўлагига ҳаракатини ўзгартириб, чап томонидаги қатнов бўлагига секин ҳаракатланиб, тахминан 25-26 метр масофада юрганида, автомашинасининг орқа чап томони бурчагига кейинчалик таниган Т.Абдумаликов бошқарувидаги “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинаси олд томони билан қаттиқ урилганлиги, натижада “NEXIA-2”



русумли автомашинасида бошқарувини йўқотиб, чап томонга кетиб, кейинчалик таниган Ф.Ишанходжаева бошқарувидаги “EQUINOX” русумли автомашина билан тўқнашганлигини, шунда Т.Абдумаликов ҳам бошқарувини йўқотиб “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашина билан И.Караходжаев бошқарувидаги “LABO” русумли автомашинага тўқнашганлигини, йўл транспорт ҳодисаси натижасида “EQUINOX” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётган З.Инагамджанова ва “LABO” русумли автомашина ҳайдовчиси И.Караходжаев тан жароҳати олганлигини ҳамда “EQUINOX” русумли автомашинага 191.889.448 сўм, “LABO” русумли автомашинага 21.035.130 сўм, “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинага 126.713.240 сўм, бошқарувидаги “NEXIA-2” русумли автомашинага 14.443.740 сўм ва “Тошшаҳарнур” Давлат унитар корхонасига тегишли симёғоч (столба)га 36.084.100 сўм зарар етганлигини, тўқнашув ва воқеа жуда тез содир бўлганлигини, воқеа куни тўқнашув келиб чиқишига аслида “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинаси ҳайдовчиси Т.Абдумаликов сабабчи эканлигини, чунки у бошқарувидаги “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинасида юқори тезликда келиб ўзини бошқарувидаги автомашина орқа томонидан келиб урилганлигини, экспертиза хулосалари ва жиноят ишидаги чизмаларни нотўғри деб ҳисоблашини, ишни ҳақиқий ҳолатини аниқлаб Т.Абдумаликовга нисбатан қонуний чора кўришни ва барча зарарларни ундан ундиришни, ёшлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи З.Инагамджанова судда, ҳуқуқ соҳасида олима эканлигини ва жуда кўп илмли шогирдларга таълим берганлигини, 2022 йил 15 ноябрь куни қизи Ф.Ишанходжаевага тегишли “EQUINOX” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётганлигини, шунда Т.Абдумаликов “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинада юқори тезликда келиб М.Ҳамдамов бошқарувидаги “NEXIA-2” русумли автомашина билан тўқнашганлигини, сўнг “NEXIA-2” русумли автомашина қизи бошқарувидаги “EQUINOX” русумли автомашина ортида келиб тўқнашганлигини, тўқнашув натижасида ўртача оғирликдаги тан жароҳати олганлигини ва Ф.Ишанходжаевага тегишли “EQUINOX” русумли автомашинага 191.889.448 сўм зарар етганлигини, юрист сифатида ҳам кекса ва тажрибали инсон сифатида ҳам йўл транспорт ҳодисасини “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашина ҳайдовчиси Т.Абдумаликов содир этган деб ҳисоблашини, бироқ Т.Абдумаликов жиноят ишида жабрланувчи сифатида эътироф этилганлигини, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг раиси жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416 ва 417-моддаларига асосан асосли қайтарганлигини, бироқ прокуратура асосларсиз яна эски айбловни қувватлаганлигини, судланувчи М.Ҳамдамов иш юзасидан зарарни қоплашга қобилиятли эмаслиги, Т.Абдумаликов ёки айбдордан қизини автомашинасига етказилган зарарни ундириб беришни акс ҳолда адолат учун охиригача курашишини билдирди.



Жабрланувчи Ф.Ишанходжаева судда, 2022 йил 15 ноябрь куни бошқарувидаги “EQUINOX” русумли автомашинада ёнидаги ўриндиқда онаси З.Инагамджанова билан кетаётганлигини, шунда Т.Абдумаликов “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинада юқори тезликда келиб М.Ҳамдамов бошқарувидаги “NEXIA-2” русумли автомашина билан тўқнашганлигини, сўнг “NEXIA-2” русумли автомашина бошқарувидаги “EQUINOX” русумли автомашина ортидан келиб тўқнашганлигини, тўқнашув натижасида онаси тан жароҳати олганлигини ва “EQUINOX” русумли автомашинага 191.889.448 сўм зарар етганлигини, йўл транспорт ҳодисасини “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашина ҳайдовчиси Т.Абдумаликов содир этган деб ҳисоблашини, бироқ Т.Абдумаликов тахмини бўйича таниш-билишчилик қилиб жиноят ишида жабрланувчи сифатида эътироф этилганлигини, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди жиноят ишини асосли қайтарганлигини, бироқ прокуратура асосларсиз яна эски айбловни қувватлаганлигини, судланувчи М.Ҳамдамов зарарни қоплолмаслигини, Т.Абдумаликов ёки айбдордан автомашинасига етказилган зарарни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи И.Караходжаев судда, 2022 йил 15 ноябрь куни соат 11:20ларда, бошқарувидаги давлат рақами белгиси 01 В 761 WA бўлган “LABO” русумли автомашинасида ўғли С.Рустамов билан, Шайхонтохур тумани, Себзор кўчаси бўйлаб, Халқлар дўстлиги кўчаси томонидан Нурафшон кўчаси томонига 50-55 тезликда ҳаракатланиб келиб, ер ости йўлидан чиқаётганлигини, шунда ёнидан Қора рангли енгил автомашина катта тезликда ўтиб кетганлиги, шу пайт орқа томонидан қаттиқ тормоз овозини эшитганлигини, шунда орқани кўрсатувчи ойнадан кейинчалик таниган Т.Абдумаликов бошқарувидаги “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинаси рулини чап томонга буриб ва шу тормозланган ҳолатда бошқарувидаги автомашина орқа томонидан келиб уриб чап томонга ағдариб юборганлигини, кўрган ҳолатлари бўйича йўл транспорт ҳодисани Т.Абдумаликов содир этган деб ўйлаганлигини, автомашинасига етказилган зарарни Т.Абдумаликов ёки айбдор шахсдан ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи С.Рустамов судда, 2022 йил 15 ноябрь куни соат 11:20ларда, отаси И.Караходжаев бошқарувидаги “LABO” русумли автомашинада автомашинани олд ўриндиғида ўтирган ҳолда кетаётганлигини, шунда Шайхонтохур тумани, Себзор кўчаси бўйлаб, Халқлар дўстлиги кўчаси томонидан Нурафшон кўчаси томонига 50-55 тезликда ҳаракатланиб келиб, ер ости йўлидан чиқаётганлигини, шунда кейинчалик таниган Т.Абдумаликов бошқарувидаги “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинаси тормозлаган ҳолатда отаси бошқарувидаги автомашина орқа томонидан келиб урилганлигини, йўл транспорт ҳодисасида озгина жароҳат олганлигини, бироқ ўз хоҳиши билан ўша вақтда жароҳати юзасидан экспертизадан ўтмаганлигини, кейинчалик



ўтганида жароҳатлари аниқланмаганлигини, судланувчи М.Ҳамдамовга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирди.

Фуқаровий даъвогар Т.Абдумаликов судда, дастлабки терговдаги сўроқларини тасдиқлашини, 2022 йил 15 ноябрь куни соат 11:20ларда, бошқарувидаги “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинасини, Шайхонтоҳур тумани, Себзор кўчаси бўйлаб, Халқлар дўстлиги кўчаси томонидан Нурафшон кўчаси томонига қатнов қисмининг ўнг томонидан иккинчи йўлак бўйлаб тахминан 75 к.м тезликда ҳаракатланиб келиб, ер ости йўлидан чиқаётганлигини, шунда унинг ўнг ён томонидаги қатнов йўлагидида ҳаракатланиб кетаётган М.Ҳамдамов бошқарувидаги “NEXIA-2” русумли автомашинасида, бирдан йўналишини чап томонга ўзгартириб, унинг йўлига чиқаётганлигини тахминан 3-3 метр масофа узоқликдан кўриб, тормоз педалини босишга ҳам улгурмасдан автомашинанинг олди ўнг ён томони билан М.Ҳамдамов бошқарувидаги “NEXIA-2” русумли автомашинасининг орқа чап томон бурчагига тўқнашганлигини, тўқнашувдан сўнг, автомашинаси ўнг томонга кетиб, қатнов қисмининг ўнг четки йўлагидида олдинда ҳаракатланиб кетаётган И.Караходжаев бошқарувидаги “LABO” русумли автомашинанинг чап ён орқа томонига тўқнашганлигини, тўқнашув натижасида “LABO” русумли автомашинаси ағдарилиб кетганлигини, йўл транспорт ҳодисасида жароҳат олмаганлигини, бироқ “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинасига 126.713.240 сўм моддий зарар етганлигини, ушбу зарарни судланувчи М.Ҳамдамовдан ундириб беришни, йўл транспорт ҳодисаси содир этилишида ўзини мутлақо айби йўқлигини, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди ишни тергов органига асосиз қайтарганлиги учун юқори турувчи органларга шикоят қилганлигини, шу сабабли жиноят иши Шайхонтоҳур туман судидан Олмазор туман судига рад этиш асосларига кўра ўтказилганлигини, жабрланувчи Ф.Ишанходжаева ва З.Инагамджановаларни кўрсатувлари нотўғри ва асоссиз эканлигини, судланувчи М.Ҳамдамовга нисбатан туҳмат қилмаётганлигини ва туҳматдан кўрқишини билдирди.

Фуқаровий даъвогар Э.Ҳамдамов судда, судланувчи М.Ҳамдамов ўғли эканлигини, воқеани кўрмаганлигини, бироқ воқеани ўғлидан эшитганлигини ва иш ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини, 2022 йил 15 ноябрь куни ўғли давлат рақам белгиси 70P8500A бўлган “NEXIA-2” русумли автомашинасида Шайхонтоҳур тумани Себзор кўчаси бўйлаб, Халқлар дўстлиги кўчаси томонидан Нурафшон кўчаси томонига қатнов қисмининг ўнг четки бўлагидан тахминан 65-70 тезликда ҳаракатланиб келаётганида Т.Абдумаликов бошқарувидаги “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинада катта тезликда урилганлигини, шунда ўғли бошқарувидаги ўзига тегишли “NEXIA-2” русумли автомашинага 14.443.740 сўм зарар етганлигини, бироқ Т.Абдумаликов тахмини бўйича таниш-билишчилик қилиб жиноят ишида фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилаётганлигини, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман



суди жиноят ишини асосли қайтарганлигини, бироқ прокуратура асосларсиз яна эски айбловни қувватлаганлигини, ишдаги чизма ва экспертиза хулосалари Т.Абдумаликовни манфаатига ишлаётганлигини, бироқ воқеани кўрган жабрланувчи Ф.Ишанходжаева ва З.Инагамджанова тўқнашувга Т.Абдумаликов сабабчи эканлиги ҳақида тўғри кўрсатув бераётганлигини, ёш ва содда ўғлига жуда катта суммадаги зарарни ундиришни белгилаш адолатсизлик бўлишини, ишни одилонга кўриб Т.Абдумаликовни жавобгарлиги масаласини ҳал этишни суддан кутишини, М.Ҳамдамовга “NEXIA-2” русумли автомашинасига етказилган 14.443.740 сўм зарар юзасидан даъвоси йўқлигини билдирди.

Фуқаровий даъвогар О.Алимов судда, Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси “Тошшаҳарнур” Давлат унитар корхонаси Шайхонтохур туман ташқи ёритиш тармоғи бош муҳандиси бўлиб ишлашини, судланувчи М.Ҳамдамов 2022 йил 15 ноябрь куни тўқнашув содир этганлиги натижасида, “Тошшаҳарнур” Давлат унитар корхонасига тегишли симёғоч (столба)га 36.084.100 сўм зарар етганлигини, судланувчи М.Ҳамдамовдан ушбу зарарни ундириб беришни сўради.

Кўшимча гувоҳ З.Сайфутдинов судда, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Давлат суд эксперти эканлигини, Тошкент шаҳар ИИББ терговчи Р.Умаров томонидан 2023 йил 14 январь кунидаги суд автотехника экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарорига кўра, 2023 йил 20 январь кунидаги 29/15(308)13.1Z/553-сонли хулоса тақдим этганлигини, унга кўра ушбу ЙТХ ҳолатида Т.Абдумаликов бошқарувидаги “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашина 70 км/соат тезликда ҳаракатланиб йўлга чиқиб қолган М.Ҳамдамов бошқарувидаги “NEXIA-2” русумли автомашинанинг 1-2-метр масофа узоқликда кўриб ўз вақтида тормоз қилиш йўли билан ҳодисани олдини олиш техник имкониятига эга бўлмаганлигини қайд этганлигини, агарда шу ҳолатда 25 метр масофа бўлганида ҳам тўхтатиб қолишни техник имконияти мавжуд эмаслигини, илмий адабиёт, физика ва математика формуласи бўйича бундай ҳолатда тўхташ учун 50 метр масофа зарур бўлишини, иш юзасидан қонуний ва асосланган хулоса тақдим этганлигини, бироқ жиноят ишида ким айбдор ёки ким айбсиз эканлигига баҳо беролмаслигини билдирди.

Кўшимча гувоҳ Р.Ибрагимова судда, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ эксперт криминалистика бўлими эксперти эканлигини, Тошкент шаҳар ИИББ терговчи А.Искандаров томонидан 2023 йил 10 март кунидаги судга оид кўшимча автотехника экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарорига кўра, 2023 йил 15 март кунидаги 343-сонли хулоса тақдим этганлигини, унга кўра тўқнашув шароитида “NEXIA-2” русумли автомашинаси ҳаракатга хавф туғдиришни бошлаган вақтда “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашина ҳайдовчиси тўқнашув жойидан 8-10 метр масофа



тўхтатиб қолиш йўли билан тўқнашувни олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлмаганлиги ҳамда қарорда келтирилган тўқнашув шароитида агар “NEXIA-2” русумли автомашинаси ҳаракатга хавф туғдириб тўқнашув жойигача 6,0-25,5 метр масофани 65 км/соат тезликда ҳаракатланиб ўтган бўлса, “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашина ҳайдовчиси 70 км/соат тезликдаги автомашинани ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан тўқнашувни олдини олиб қолиш техник имкониятга эга бўлмаганлигини қайд этганлигини, терговчининг саволларига хулосада қонуний ва асослангандирган жавоб тақдим этганлигини билдирди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчининг кўрсатуви ва унинг ҳимоячиси адвокатнинг фикрини тинглаб, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларни кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, чизмаси ва фотосуратлар, суд-тиббий экспертизаси хулосалари, суд транспорт-изшунослик экспертизаси хулосаси, суд-автотехника экспертиза хулосаси, судга оид қўшимча автотехника экспертиза хулосаси, гумон қилинувчини кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, унга илова чизма ва фотосуратлар, гувоҳни кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, унга илова чизма ва фотосуратлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Гарчанд, судланувчи М.Ҳамдамов судда, воқеа куни тўқнашув келиб чиқишига аслида “МЕРСЕДЕС БЕНЗ Х25” русумли автомашинаси ҳайдовчиси Т.Абдумаликов сабабчи эканлигини, жиноят ишидаги экспертиза хулосалари ва чизмаларни нотўғри деб ҳисоблаши ҳақида важлар келтирса-да, суд ушбу важларни юқорида қайд қилинган далиллар мажмуи, ишдаги суд-автотехника экспертиза хулосаси, судга оид қўшимча автотехника экспертиза хулосаси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, дастлабки тергов давридаги сўроқлари ва юзлаштириш баённомалари, ишда мавжуд бўлган далиллар ҳамда судда аниқланган ҳолатлар билан инкор этилиши сабабли асоссиз важ деб топиб рад қилишни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Ҳамдамовнинг содир этган, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир



енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 9-бандида “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини текширишда йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси бандлари бузилганлигини ва улардан қайсилари ЖК 266-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлганлигини аниқлаш зарурлиги”, ушбу Қарорнинг 25-бандида “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида эса “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи М.Ҳамдамовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, қайд қилинган қонун талабларига ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига амал қилиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, муқаддам судланмаганлигини ва ёшлигини (ЖК 55-моддаси) инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан жабрланувчи З.Инагамджанова, Ф.Ишанходжаева, И.Караходжаев, қаровий даъвогар Т.Абдумаликов ва О.Алимовларни давоси борлигини



ҳисобга олиб ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд иш юзасидан зарар масаласини муҳокама қилиб, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят оқибатида етказилган зарар учун Ҳамдамов Муроджон Элбобо ўғлидан, жабрланувчи Ф.Ишанходжаева фойдасига 191.889.448 сўм, жабрланувчи И.Караходжаев фойдасига 21.035.130 сўм, фуқаровий даъвогар Т.Абдумаликов фойдасига 126.713.240 сўм ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси “Тошшаҳарнур” Давлат унитар корхонаси фойдасига 36.084.100 сўм ундиришни лозим топди.

Суд, фуқаровий даъвогар Э.Ҳамдамов ва жабрланувчи С.Рустамовнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини қайд қилишни лозим топди.

Суд, тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса фуқаролик ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Ҳамдамов Муроджон Элбобо ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ҳамдамов Муроджон Элбобо ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати ҳукм ижрога қаратилиб, иш ҳақидан белгиланган фоиз миқдори ундирилган кундан бошлаб ҳисоблансин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилсин. Жазо ижросини назорат қилиш Китоб туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг М.Ҳамдамовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят оқибатида етказилган зарар учун Ҳамдамов Муроджон Элбобо ўғлидан:

жабрланувчи Ф.Ишанходжаева фойдасига 191.889.448 сўм;

жабрланувчи И.Караходжаев фойдасига 21.035.130 сўм;

фуқаровий даъвогар Т.Абдумаликов фойдасига 126.713.240 сўм;



Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси “Тошшаҳарнур” Давлат унитар корхонаси фойдасига 36.084.100 сўм ундирилсин.

Фуқаровий даъвогар Э.Хамдамов ва жабрланувчи С.Рустамовнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Тарафларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса фуқаролик ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

В.Караманов

Нусхаси аслига тўғри:

